

Қўрқинчли саҳналарни томоша қилиш юрак фаолиятини издан чиқаради



10:27 / 19.10.2024 1276

Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонни қўрқитишдан қайтарганлар. Зўравонлик тўғрисидаги киноларни томоша қилиш юракка катта хавф туғдиришини тасдиқловчи янги тадқиқот орқали замонавий илм буни исботлади.

Исломдан олдинги давларда ҳазиллашиш ва бошқаларни қўрқитиш одамлар орасида тарқалган одат эди. Улар шу орқали кулиш ва масхара қилишга интилганлар, аммо раҳмат Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларни шу ҳолда қолдирмадилар. Мазкур ёмон одатни эътибордан қочирмай, биз умматларини ундан қайтардилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Мусулмонни қўрқитиш мусулмонга ҳалол эмас**» деб марҳамат қилганлар.

Абу Довуд ривояти.


Бошқа бир ҳадисда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким биродарига темир (тиғ) билан ишора қилса, уни қўймагунича фаришталар унга лаънат айтади» деганлар.

Муслим ривояти.

Ўша пайтда ҳеч ким қўрқитиш хавфи ёки қўрқув хавфи ҳақида ҳеч нарса билмас эди ва яқин вақтгача олимлар ҳазил орқали бошқаларни

қўрқитишининг заарли томонларини тушунишмаган. Хўш, олимлар қўрқув ва хавф акс этган саҳналарни томоша қилиш билан боғлиқ нималарни кашф этдилар? Кўрқув ва хавф инсонга қанчалик таъсир қиласди?

2015 йил охирида Британия тиббиёт журналида чоп этилган сўнгги тадқиқотда олимлар қўрқинчли фильмларни томоша қилиш қон ивишининг кучайишига сабаб бўлишини, бу эса юрак хуружига олиб келишини аниқладилар. Кучли қўрқув пайтида тана қон ивишининг кучайишига олиб келадиган моддаларни чиқаради, чунки тана жароҳати ва қон кетишига олиб келиши мумкин бўлган хавфларга ўзини тайёрлайди, шунинг учун тана эҳтимоли бўлган қон кетишини тўхтатиш учун автоматик реакцияни амалга оширади.



Бугунги кунда шифокорлар зўравонлик, қўрқув ёки даҳшат саҳналарини қайта-қайта томоша қилиш хавфи ҳақида огоҳлантирмоқда. Буларнинг барчаси асаб тизимиға салбий таъсир кўрсатади, шунингдек, қон айланиши ва юрак соғлиғига таъсир қиласди, қон ивишини вв тромб ҳосил бўлиш эҳтимолини ошириб, ўлим билан якунланиши мумкин бўлган оғир касалликларга сабаб бўлади. Ислом дини бизни бирорни қўрқитишдан қайтаради. Шунинг учун биз қўрқинчли фильмлар ва кучли қўрқувга сабаб бўладиган ҳар қандай саҳналарни томоша қилишдан тийилишимиз керак. Саҳиҳ ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмон мусулмон биродарини қўрқитиши ҳалол эмаслигини таъкидлаганлар.

Қўрқинчли саҳналарни томоша қилиш эса биродарини қўрқитишнинг бир тури, деб айтишимиз мумкин.

Шу тариқа, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг буюкликлари ва раҳмат бўлганлари яққол намоён бўлади. Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам биз мусулмон умматлари учун қайғураг, ҳеч бир мусулмонга биродарини ёки ўзини қўрқитишга изн бермасдилар. Бизнинг хавфсизлигимиз ва соғлиғимиз учун қайғурадилар.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биз умматларига меҳрибонликларини баён этиб шундай марҳамат қилган:

«Батаҳқиқ, сизларга ўзингиздан бўлган, машаққат чекишингиз унинг учун оғир бўлган, сизни ардоқловчи, мўминларга мушфик, меҳрибон Расул келди» (Тавба сураси, 128-оят).

Абдуллоим Каҳел мақоласидан Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 3 август 03-07/4702-сонли хуносаси асосида тайёрланди.